

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 519-ҳадис

519 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ فِرَاشُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ أَدَمِ

حَشْوُهُ لِيفُ. رَوَاهُ الْبُحَارِيُّ [6456]

519. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшаклари теридан бўлиб, ичига хурмонинг қипиғи тиқилган эди».

*Имом Бухорий ривояти.*

**Шарҳ:** «Лийф» хурмо пўстлоғининг ички тарафидаги майин тола ва қипиғлар эди. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий тўшакларининг ичига хурмо пўстлоғининг майин толалари солинган, жилди ошланган теридан қилинган экан. У зот ўша тўшакни кундузи тагларига солиб ўтирас, кечаси тагларига солиб ётар эканлар. Бу ҳам камтарона ва содда ҳаёт намунаси.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

